
Саккиз нафар халқимиз вакилларига замонавий электро аравачалар етказиб берилди

Бугунги кунда юртимизда олиб борилаётган ислохотлар замирида “Инсон қадри учун” деган эзгу ғояга асосланилади. Мазкур жараёнларда ногиронлиги бўлган юртдошларимизга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, жамиятнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётидаги фаоллигини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ногиронлиги бўлган шахсларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига асосан 8 нафар ногиронлиги бўлган мухтож шахсларга электро пультали ногиронлар аравачалари топширилди.

Хусусан, бугун Республика ишчи гуруҳи вакиллари ҳамда секторлар раҳбарлари иштирокида “Томоша” маҳалласида истиқомат қилувчи Валиев Воқибжон ҳолидан хабар олдилар.

2024-01-30 09:09:08